



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 24 yil « 15 » noyabr

№ 762

Toshkent sh.

Экспериментал ҳаво кемаларини ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво кодексига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳаво кодексининг 39-моддасига асосан экспериментал ҳаво кемаларини ҳисобга олиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланиши маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагиларни назарда тутувчи Экспериментал ҳаво кемаларини ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги низом **иловага** мувофиқ тасдиқлансин:

экспериментал ҳаво кемаларини ҳисобга олиш учун зарур бўладиган ҳужжатларни қўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш тартиби;

экспериментал ҳаво кемаларини ҳисобга олиш ва ҳисобдан чиқариш тартиби.

3. Транспорт вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Ж.Раматов ҳамда транспорт вазири И.Р.Маҳкамов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

Экспериментал ҳаво кемаларини ҳисобга олиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Ҳаво кодексига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Фуқаро авиацияси агентлиги (кейинги ўринларда – “Ўзавиация” агентлиги) томонидан экспериментал ҳаво кемаларини ҳисобга олиш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

ариза берувчи – экспериментал ҳаво кемасини ҳисобга олиш ёки ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги ариза билан “Ўзавиация” агентлигига муурожаат қилувчи юридик шахс;

экспериментал ҳаво кемаси – авиация техникасининг янги турларини яратиш ёки модернизация қилишда тажриба-конструкторлик, экспериментал ва илмий-тадқиқот ишларини ҳамда синовларни амалга ошириш учун мўлжалланган ҳаво кемаси;

экспериментал ҳаво кемаларини ҳисобга олиш журнали – ҳаво кемасининг тури, заводда берилган рақами, ҳаво кемасини ишлаб чиқарувчи, ҳаво кемасини ҳисобга олиш асослари тўғрисидаги ҳамда бошқа маълумотларни ўз ичига олган журнал;

экспериментал ҳаво кемаси ҳисобга олинганлиги тўғрисида гувоҳнома – ҳаво кемаси экспериментал ҳаво кемаларини ҳисобга олиш журналига киритилганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

ҳаво кемаси турининг сертификати – ҳаво кемаси турининг конструкциясини белгилайдиган, шунингдек, учишга яроқлилик талабларига мувофиқлигини тасдиқлайдиган ҳужжат.

3. Ҳисобга олинган экспериментал ҳаво кемасига белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг ҳаво ҳудудида парвозларни амалга ошириш имкони берилади.

4. Экспериментал ҳаво кемаси техник жиҳатдан тартибга солиш ва парвозлар хавфсизлигини таъминлаш бўйича фуқаро авиацияси талабларига жавоб бериши керак.

5. Ўзбекистон Республикаси экспериментал ҳаво кемалари мазкур Низомга 1-иловага мувофиқ схема асосида ҳисобга олинади.

2-боб. Экспериментал ҳаво кемаларининг турлари ҳамда уларни ҳисобга олиш учун зарур бўладиган ҳужжатлар

6. Экспериментал ҳаво кемалари қуйидаги турларга бўлинади:
янги яратилган ёки ўзгартирилган ҳаво кемаларининг намуналари;
авиация техникасининг таркибий қисмларини парвозда тадқиқ этиш ёки синовдан ўтказиш учун учар лабораториялар.

7. Экспериментал ҳаво кемасини ҳисобга олиш учун ариза берувчи “Ўзавиация” агентлигига бевосита ёки унинг электрон почта манзилига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ шаклдаги ариза;
ҳаво кемаси турининг сертификати ёки ҳаво кемасининг фойдаланишга яроқлилиги тўғрисида ҳужжат;
ариза берувчининг ҳаво кемасида парвоз қилиш синовларини ўтказиш дастури.

8. Экспериментал ҳаво кемасини ҳисобга олиш учун тақдим этилган ҳужжатларнинг ҳаққонийлиги учун ариза берувчи жавобгар ҳисобланади.

9. Экспериментал ҳаво кемасини ҳисобга олиш учун зарур бўлган ҳужжатлар ариза берувчи томонидан бевосита “Ўзавиация” агентлигига тақдим этилади.

3-боб. Ҳужжатларни кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш тартиби

10. “Ўзавиация” агентлиги томонидан ҳужжатларни кўриб чиқиш ва экспериментал ҳаво кемасини ҳисобга олиш бўйича барча зарур тартиб-таомилларни амалга ошириш учун йиғим ундирилмайди.

11. Ариза ва тақдим этилган ҳужжатлар “Ўзавиация” агентлиги томонидан ўн беш иш куни ичида кўриб чиқилади.

12. Ариза берувчи томонидан ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилмаганда, аризадаги маълумотлар нотўғри кўрсатилганда ёки тўлиқ кўрсатилмаганда, “Ўзавиация” агентлиги томонидан уч иш куни ичида ариза берувчига камчиликларни бартараф қилиш ва етишмаётган ҳужжатларни тақдим этиш учун беш иш кунидан кам бўлмаган муддат берилади.

Камчиликларни бартараф этиш зарурлиги тўғрисидаги хабарнома “Ўзавиация” агентлиги томонидан ариза берувчининг электрон почта манзилига юборилади.

Камчиликларни бартараф этиш тўғрисидаги хабарнома юборилган тақдирда, аризани кўриб чиқиш муддати тўхтатиб турилади.

13. Экспериментал ҳаво кемасини ҳисобга олиш ёки ҳисобга олишни рад этиш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш учун “Ўзавиация” агентлигининг

ваколатли ходими ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, ҳаво кемасини техник кўриқдан ўтказди ва натижаларига кўра асослантирилган хулоса тайёрлайди.

14. Хулоса натижаларига кўра экспериментал ҳаво кемаси тўғрисидаги маълумотлар экспериментал ҳаво кемаларини ҳисобга олиш журнаliga (кейинги ўринларда – ҳисобга олиш журнаli) киритилади ва ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ шаклда экспериментал ҳаво кемаси ҳисобга олинганлиги тўғрисида гувоҳнома (кейинги ўринларда – гувоҳнома) расмийлаштирилиб, ариза берувчига берилади ёки экспериментал ҳаво кемасини ҳисобга олиш рад этилади.

15. Гувоҳнома “Ўзавиация” агентлиги директори ёки белгиланган тартибда “Ўзавиация” агентлиги директорининг буйруғи билан ваколат берилган мансабдор шахс томонидан имзоланади ва аризада кўрсатилган муддатга берилади.

16. Ариза берувчига қуйидаги ҳолларда экспериментал ҳаво кемасини ҳисобга олиш рад этилиши мумкин:

аниқланган хато ва камчиликлар ариза берувчи томонидан мазкур Низомнинг 12-бандида кўрсатилган муддат ичида бартараф этилмаганда;

ҳужжатларни кўриб чиқиш ва ҳаво кемасини техник кўриқдан ўтказиш натижаларига кўра асослантирилган салбий хулоса мавжуд бўлганда.

Экспериментал ҳаво кемасини ҳисобга олишни бошқа асосларга кўра, шу жумладан, мақсадга мувофиқ эмас деган сабаблар билан рад этишга йўл қўйилмайди.

17. Экспериментал ҳаво кемасини ҳисобга олишни рад этиш тўғрисидаги қарор қабул қилинган ҳолларда, ариза берувчига қарор қабул қилинган кундан бошлаб бир иш куни ичида электрон почта манзилига рад этиш сабаблари кўрсатилган хабарнома юборилади.

18. Ариза берувчи рад этиш сабабларини бартараф қилгандан сўнг “Ўзавиация” агентлигига мазкур Низом талабларига мувофиқ такроран ариза тақдим этиш ҳуқуқига эга.

4-боб. Экспериментал ҳаво кемаларини ҳисобга олиш

19. Экспериментал ҳаво кемалари “Ўзавиация” агентлиги томонидан мазкур Низомга 4-иловага мувофиқ шаклдаги ҳисобга олиш журнаliда ҳисобга олинади.

20. Ҳар бир экспериментал ҳаво кемаси ҳисобга олиш журнаliга мувофиқ кетма-кетлик бўйича рўйхат рақамига эга бўлади.

21. Ушбу Низомга мувофиқ “Ўзавиация” агентлигига тақдим этилган ҳужжатлар экспериментал ҳаво кемасини эксплуатация қилиш даври тугагунга қадар сақланиши лозим.

5-боб. Экспериментал ҳаво кемасини ҳисобдан чиқариш

22. Экспериментал ҳаво кемаси куйидаги ҳолларда ҳисобдан чиқарилади:

экспериментал ҳаво кемаси ҳисобга олинганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиш муддати тугаганда;

ариза берувчи мазкур Низомга 2-иловага мувофиқ шаклда экспериментал ҳаво кемасини ҳисобдан чиқариш тўғрисида ариза билан муурожаат этганда.

23. Ариза берувчининг муурожаати бўйича экспериментал ҳаво кемасини ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги ариза “Ўзавиация” агентлиги томонидан уч иш куни ичида кўриб чиқилади.

24. “Ўзавиация” агентлигининг масъул ходими экспериментал ҳаво кемасини ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги маълумотларни ҳисобга олиш журналига киритади ва ариза берувчининг электрон почта манзилига экспериментал ҳаво кемаси ҳисобдан чиқарилганлиги тўғрисида хабарнома юборади.

6-боб. Яқунловчи қоидалар

25. Ушбу Низомни қўллашда юзага келадиган низолар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

26. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Экспериментал ҳаво кемаларини
ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги низомга
1-илова

Экспериментал ҳаво кемаларини ҳисобга олиш
СХЕМАСИ



Экспериментал ҳаво кемаларини
ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги низомга
2-илова

Ўзбекистон Республикаси
Транспорт вазирлиги ҳузуридаги
Фуқаро авиацияси агентлиги
директори

га

(Ф.И.О.)

АРИЗА

дан

(юримдик шахсининг тўлиқ номи)

экспериментал ҳаво кемасини ҳисобга олишни сўрайман

экспериментал ҳаво кемасини ҳисобдан чиқаришни сўрайман

1. Аризани бериш сабаби: _____

2. Ариза берувчи тўғрисида маълумот:

Ариза берувчининг манзили: _____

3. Ҳаво кемаси тўғрисида маълумотлар:

Ҳаво кемасининг тури		Двигатель тури	
Серия (ишлаб чиқилган) рақами		Ҳаво винти тури	
Ишлаб чиқарилган жойи ва санаси		Ҳаво кемаси тоифаси	

4. Двигателлар тўғрисида маълумотлар:

Двигателнинг тартиб рақами	1	2	3	4
Ишлаб чиқилган рақами				
Ишлаб чиқарилган санаси				

5. Ҳаво винтлари тўғрисида маълумотлар:

Двигателнинг тартиб рақами	1	2	3	4
Ишлаб чиқилган рақами				
Ишлаб чиқарилган санаси				

6. Парвозларни амалга ошириш жойи: _____

7. Аризага иловалар: _____

Ариза
берувчи

(лавозими)

(Ф.И.О, имзоси)

20__ й. “__” _____

Изоҳ. 6-банд экспериментал ҳаво кемаси ҳисобга олинган тақдирда тўлдирилади.

Экспериментал ҳаво кемаларини
ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги низомга
3-илова

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
TRANSPORT VAZIRLIGI HUZURIDAGI
FUQARO AVIATSIYASI AGENTLIGI
“O'ZAVIATSIYA” AGENTLIGI



CIVIL AVIATION AGENCY
UNDER THE MINISTRY OF TRANSPORT
OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN
CAA OF UZBEKISTAN

73B NUKUS STREET, 100015 TASHKENT, REPUBLIC OF UZBEKISTAN,
TEL.: + (998-78)-1200060, FAX.: +(998-71)-2541482, e-mail: caa@uzcaa.uz

**ЭКСПЕРИМЕНТАЛ ҲАВО КЕМАСИ
ҲИСОБГА ОЛИНГАНЛИГИ ТЎҒРИСИДА
ГУВОҲНОМА**

№ _____

**Ишлаб чиқарувчи ва
ишлаб чиқарувчи томонидан ҳаво
кемасининг белгиланиши**

**Серия
(завода берилган) рақами**

Ариза берувчи _____

Ариза берувчининг манзили _____

Мазкур ҳужжатда қайд этилган экспериментал ҳаво кемаси Ўзбекистон Республикаси Ҳаво кодексига ва Экспериментал ҳаво кемаларини ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ экспериментал ҳаво кемаларини ҳисобга олиш журнаliga белгиланган тартибда киритилганлигини тасдиқлайди.

Берилган санаси:

Амал қилиш муддати:

М.Ў.

**Ўзбекистон Республикаси
Транспорт вазирлиги ҳузуридаги
Фуқаро авиацияси агентлиги
директори**

(имзо, Ф.И.О.)

Экспериментал ҳаво кемаларини
ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги низомага
4-илова

**Экспериментал ҳаво кемаларини ҳисобга олиш
ЖУРНАЛИ**

Т/р	Ҳаво кемасининг тури	Серия (ишлаб чиқилган) рақами	Ҳаво кемасини ишлаб чиқарувчи	Ҳаво кемасини ҳисобга олиш асослари	Гувоҳнома рақами ва берилган санаси	Ҳисобдан чиқариш учун асослар



НЕОФИЦИАЛЬНЫЙ ПЕРЕВОД

ПРИЛОЖЕНИЕ

к постановлению Кабинета Министров
от «15» ноября 2024 г. № 762

ПОЛОЖЕНИЕ

о порядке учета экспериментальных воздушных судов

Глава 1. Общие положения

1. Настоящее Положение в соответствии с Воздушным кодексом Республики Узбекистан определяет порядок учета экспериментальных воздушных судов Агентством гражданской авиации при Министерстве транспорта Республики Узбекистан (далее – Агентство «Узавиация»).

2. В настоящем Положении применяются следующие основные понятия:

заявитель – юридическое лицо, обратившийся в Агентство «Узавиация» с заявлением о постановке на учет экспериментального воздушного судна или снятие его с учета;

экспериментальное воздушное судно – воздушное судно, используемое для проведения опытно-конструкторских, экспериментальных, научно-исследовательских работ и испытаний при создании новых типов авиационной техники и её модернизации;

журнал учета экспериментальных воздушных судов – журнал, содержащий информацию о типе воздушного судна, заводском номере, изготовителе воздушного судна, основании учета воздушного судна и иные сведения;

свидетельство об учете экспериментального воздушного судна – документ, подтверждающий внесение воздушного судна в журнал учета экспериментальных воздушных судов;

сертификат типа воздушного судна – документ, определяющий конструкцию типа воздушного судна, а также подтверждающий ее соответствие нормам летной годности.

3. Состоящему на учете экспериментальному воздушному судну в установленном порядке предоставляется возможность осуществлять полеты в воздушном пространстве Республики Узбекистан.

4. Экспериментальное воздушное судно должно соответствовать требованиям гражданской авиации в области технического регулирования и в сфере обеспечения безопасности полетов.

5. Учет экспериментальных воздушных судов Республики Узбекистан осуществляется по схеме согласно приложению № 1 к настоящему Положению.

Глава 2. Типы экспериментальных воздушных судов, а также документы, необходимые для их учета

6. Экспериментальные воздушные суда подразделяются на следующие типы:

опытные образцы вновь созданных или модифицированных воздушных судов;

летающие лаборатории для проведения испытаний и исследований в полете компонентов авиационной техники.

7. Для учета экспериментального воздушного судна заявитель представляет в Агентство «Узавиация» следующие документы (непосредственно или по электронной почте):

а) заявление по форме согласно приложению № 2 к настоящему Положению;

в) копию сертификата типа воздушного судна или аттестата о годности воздушного судна к эксплуатации;

г) программу производственных летных испытаний воздушного судна.

8. За достоверность представленных документов для учета экспериментального воздушного судна ответственность несет заявитель.

9. Документы, необходимые для учета экспериментального воздушного судна представляются заявителем непосредственно в Агентство «Узавиация».

Глава 3. Рассмотрение документов и принятие решения

10. За рассмотрение Агентством «Узавиация» документов и исполнение всех необходимых процедур сбор не взимается.

11. Рассмотрение документов и исполнение всех необходимых процедур выполняется Агентством «Узавиация» в течение пятнадцати рабочих дней.

12. В случае представления заявителем документов не в полном объеме, наличия в заявлении недостоверных или искаженных сведений, Агентством «Узавиация» в течение трех рабочих дней предоставляется заявителю

возможность для устранения недостатков и представления недостающих документов в срок не менее пяти рабочих дней.

Агентство «Узавиация» направляет заявителю по электронной почте извещение о необходимости устранения недостатков.

При направлении извещения об устранении недостатков, срок рассмотрения заявления приостанавливается.

13. Для принятия решения о постановке на учет экспериментального воздушного судна и выдаче свидетельства об учете экспериментального воздушного судна (далее – свидетельство об учете) или об отказе в постановке его на учет уполномоченное лицо Агентства «Узавиация» производит рассмотрение документов и осмотр воздушного судна, по результатам которого оформляет заключение.

14. Согласно заключению, уполномоченное лицо Агентства «Узавиация» вносит сведения о воздушном судне в журнал учета экспериментальных воздушных судов (далее – журнал учета) и выдает заявителю свидетельство об учете по форме согласно приложению № 3 к настоящему Положению или уведомляет его об отказе в постановке его на учет.

15. Свидетельство об учете подписывается директором Агентства «Узавиация» или должностным лицом, уполномоченным приказом директора Агентства «Узавиация», и выдается на срок, указанный в заявлении.

16. Заявителю может быть отказано в постановке на учет экспериментального воздушного судна в случаях:

не устранения заявителем выявленных нарушений и недостатков в срок, указанный в пункте 12 настоящего Положения;

наличия обоснованного отрицательного заключения по итогам рассмотрения документов и осмотра воздушного судна.

Отказ в постановке на учет экспериментального воздушного судна по иным основаниям, в том числе по мотивам нецелесообразности, не допускается.

17. В случае принятия решения об отказе в постановке на учет экспериментального воздушного судна заявителю, направляется на электронный адрес уведомление с указанием причин отказа.

18. После устранения причин, вызвавших отказ, заявитель имеет право направить новое заявление в Агентство «Узавиация» в соответствии с требованиями настоящего Положения для повторного рассмотрения.

Глава 4. Учета экспериментальных воздушных судов

19. Учет свидетельств ведется Агентством «Узавиация» в журнале учета по форме согласно приложению № 4 к настоящему Положению.

20. Все свидетельства об учете имеют регистрационный номер со сквозной нумерацией, соответствующей журналу учета.

21. Документы, представляемые в Агентство «Узавиация» в соответствии с настоящим Положением, подлежат хранению в течение всего срока эксплуатации экспериментального воздушного судна.

Глава 5. Снятие с учета экспериментального воздушного судна

22. Снятие с учета экспериментального воздушного судна осуществляется в следующих случаях:

а) прекращения действия свидетельства об учете экспериментального воздушного судна;

б) обращения заявителя с заявлением о снятии с учета экспериментального воздушного судна по форме согласно приложению № 2 к настоящему Положению.

23. Заявление о снятии с учета экспериментального воздушного судна по обращению заявителя рассматривается Агентством «Узавиация» в течение трех рабочих дней.

24. Уполномоченное лицо Агентства «Узавиация» вносит сведения о снятии с учета экспериментального воздушного судна в журнал учета и направляет на электронный адрес заявителя уведомление о снятии экспериментального воздушного судна с учета.

Глава 6. Заключительное положение

25. Споры, возникающие по применению настоящего Положения, разрешаются в порядке, установленном законодательством.

26. Лица, виновные в нарушении требований настоящего Положения, несут ответственность в порядке, установленном законодательством.

Приложение № 1
к Положению о порядке учета
экспериментальных воздушных судов

СХЕМА
учета экспериментальных воздушных судов



Приложение № 2
к Положению о порядке учета
экспериментальных воздушных судов

Директору
Агентства гражданской авиации
при Министерстве транспорта
Республики Узбекистан

(Ф.И.О.)

ЗАЯВЛЕНИЕ

От _____
(полное наименование юридического лица)

Прошу Вас
поставить на учет экспериментальное воздушное судно
снять экспериментальное воздушное судно с учета

1. Причина подачи заявления: _____

2. Информация о заявителе:

Адрес заявителя: _____

3. Сведения о воздушном судне:

Тип воздушного судна		Тип двигателя	
Серийный (заводской) номер		Тип воздушного винта	
Место и дата изготовления		Категория воздушного судна	

4. Сведения о двигателях:

Порядковый номер двигателя	1	2	3	4
Заводской номер				
Дата изготовления				

5. Сведения о воздушных винтах:

Порядковый номер воздушного винта	1	2	3	4
Заводской номер				
Дата изготовления				

6. Место проведения полетов: _____

7. Приложения к Заявлению: _____

Заявитель _____
(должность) _____ (подпись, Ф.И.О.)

« ____ » _____ 20__ г.

Примечание: пункт 6 заявления заполняется в случае постановке на учет экспериментального воздушного судна.

Приложение № 3
к Положению о порядке учета
экспериментальных воздушных судов

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
TRANSPORT VAZIRLIGI HUZURIDAGI
FUQARO AVIATSIYASI AGENTLIGI
“O‘ZAVIATSIYA” AGENTLIGI**



**CIVIL AVIATION AGENCY
UNDER THE MINISTRY OF TRANSPORT
OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN
CAA OF UZBEKISTAN**

73B NUKUS STREET, 100015 TASHKENT, REPUBLIC OF UZBEKISTAN,
TEL.: + (998-78)-1200060, FAX.: +(998-71)-2541482, e-mail: caa@uzcaa.uz

**СВИДЕТЕЛЬСТВО ОБ УЧЕТЕ
ЭКСПЕРИМЕНТАЛЬНОГО ВОЗДУШНОГО СУДНА**

№ _____

**Изготовитель
и обозначение воздушного судна
изготовителем**

**Серийный (заводской) номер
воздушного судна**

Заявитель _____

Адрес заявителя _____

Настоящим удостоверяется, что вышеуказанное экспериментальное воздушное судно должным образом занесено в журнал учета экспериментальных воздушных судов в соответствии с Воздушным кодексом Республики Узбекистан и Положением о порядке учета экспериментальных воздушных судов.

Дата выдачи:

Срок действия с
до

М.П.

**Директор
Агентства гражданской авиации
при Министерстве транспорта
Республики Узбекистан**

(подпись, Ф.И.О.)

